ПИОНЕР ЁЗИ

# «СОЛНЕЧНИЙ» КУТМОҚДА

ОБЛАСТИМИЗНИНГ энг хушманзара жойларидан бири бўлмиш Чимёнда «Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трестининг «Солнечний» пионерлар лагери жойлашган. У 1968 йили ташкил этилган эди. Ўтган вақт ичида бу оромгоҳнинг мавжуд 16 гектар территориясида пионер ва ўқувчиларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Эндиликда бу ерда мавсум давомида «Главташкентстрой» ва областимиз қурувчиларининг 1700 дан зиёд ўғил-қизлари кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар.

Шу кунларда «Солнечний» болаларни қабул қилишга шай қилиб қўйилди. Лагерда ҳар бир отрядга мўлжалланган ёруғ ва шинам хоналар, пионер ва ўқувчилар заллари, сузиш ҳавзалари, суҳбатлашиб ўтиришга мўлжалланган шийпончалар бунёд этилди.

— Бу йил пионер ва ўқувчиларнинг кўнгилли дам олишларига алоҳида эътибор бермоқдамиз, — дейди трест бирлашган касаба союз комитетининг раиси Ҳожиакбар Худойқулов, — шу сабабдан лагерь бошлиғи, тарбиячи ва вожатийликка Чилонзор район маориф бўлимининг тавсияси билан ўз касбига сидқидилдан меҳр қўйган тажрибали педагоглар, музика ўқитувчилари, тренерлар ва студентлар таклиф этилди.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда «Моҳир қўллар», «Фотоҳаваскорлик», «Бичиш-тикиш», «Рассомчилик ва ўймакорлик санъати» каби ҳаваскорлик тўгараклари, бассейн, кутубхона, лагер тарихи музейи, кино ва спорт майдонлари болалар хизматида бўлади. Бундан ташқари дам олувчиларни Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, трестнинг илғор бунёдкорлари билан бўладиган қизиқарли учрашувлар, «Сув париси» байрами, Москвада ўтказиладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалига бағишланган интернационал дўстлик кечалари, қўшни пионер лагерлари билан бўладиган спорт мусобақалари каби хилма-хил машғулотлар кутмоқда.

**Т. ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**



● Мактабларда имтиҳонлар давом этмоқда. Суратда: Киров районидаги 83-мактабнинг 8-б синфида имтиҳон пайти.
С. Маҳкамов фотоси.

## «ЭРТАКЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ»

Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғига кираверишда «Эртаклар шаҳарчаси» яққол кўзга ташланиб туради. Болалар дидига мос бу маскан Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти студентлари кучи билан бунёд этилган эди.

Олий ўқув юртининг бир группа студентлари ўтган йилги учинчи меҳнат семестрида ана шу шаҳарчани тиклаш билан band бўлишган эди. Шуниси қувончлики, мазкур объект лойиҳасини ҳам ёшларнинг ўзлари қўлдан чиқаришди.

Бу оригинал лойиҳа Тошкентдаги 398-болалар боғчасида вужудга келган «Эртаклар шаҳарчаси»га ҳам асос бўлиб хизмат қилди. Ижодкор студентлар бу йил ёзда ҳам ана шундай бунёдкорлик ишларини давом эттирадилар. Улар ушбу боғчада яна бир «Эртаклар шаҳарчаси»ни бунёд этишни зиммаларига олдилар.

**А. АЛИЕВ.**

# ҲАРБИЙ ҚИСМДА КОНЦЕРТ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Театр жамияти актёрлар уйининг ташаббуси билан Меҳнат Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий қисмларидан бирида санъаткорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Жангчилар СССР халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Галия Измайлова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги Улуғ Ватан уруши йиллари ташкил этилган фронтчи-санъаткорлар бригадаларининг аъзолари ҳамда А. Навоий номли опера ва балет Катта театрининг хонанда ҳамма созандаларини қувонч билан қарши олдилар.

— Халқимизнинг асл фарзандлари социалистик Ватанимизнинг ҳаёт-мамоти учун олиб борилган оғир жангларда чинакам мардлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар, — деди учрашувда сўзга чиққан Гавҳар Раҳимова. — Биз, санъат аҳли урушнинг энг оғир дамларида ўзимизнинг куй-қўшиқларимиз, ажойиб рақсларимиз билан жангчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун оловли жанггоҳларда бўлганлигимиз, шонли Ғалабани яқинлаштириш учун озми-кўпми ҳисса қўшганлигимиз билан фахрланамиз. Уруш даврида республикамизда 19 та концерт бригадаси ташкил қилиниб, уларда жами 600 дан зиёд санъаткор иштирок этишди. Фронтчи-санъаткорлар ҳарбий госпиталлар ва жанг бўлиб турган энг олдинги марраларда бўлишиб, ўзларининг жанговар руҳдаги санъатлари билан Совет Армияси жангчиларини ғолибона курашга даъват қилдилар.

Шундан сўнг санъат усталари уруш йиллари яратилган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар ҳамда рақсларни ижро этдилар. Айниқса, фронтчи-санъаткорлардан Ўзбекистон ССР халқ артистлари Лизахоним Петросова (рақс), Коммуна Исмоилова, артистлардан Ўғилой Машарипова, Эргашхон Мирзаева ижро этган ўзбек халқ қўшиғи «Гул париваш», халқимизнинг жасур қизи, моҳир снайперчи Зебо Ғаниевага бағишланиб фронтнинг ўзида яратилган «Зебохон» қўшиқлари, Галия Измайлова ижросидаги совет ва жаҳон халқларининг рақслари, шунингдек Алишер Навоий номли театр солистлари ижро этган опералардан ария ва дуэтлар, қардош халқларнинг қўшиқлари жангчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

# МУОЛАЖАСИ ЎЗИНГИЗГА БОҒЛИҚ

ИЧ терлама (қорин тифи) ўткир юқумли касалликдир. Бу касаллик билан фақат одамлар оғрийди. Ич терлама инфекциясининг бирдан-бир манбаи бактерия ташувчилар бўлиб, улар микробларни организмдан ажратадилар. Бу касаллик асосан оғиз орқали юқади, яъни унинг қўзғатувчилари ифлосланган сув ва овқат билан организмга тушади. Шунингдек, ич терлама микроблари теккан идиш-товоқлар, сўрғичлар, ўйинчоқлар орқали ҳам юқади. Айниқса, очиқ ҳавзалардаги сув касаллик тарқалишига сабаб бўлади. Ариқ, ҳовуз, қудуқ, дарё, кўл, оқова ёки канализация суви ифлосланиши мумкин.

Одам ич терлама қўзғатувчилари билан ифлосланган сувни ичганда, идиш-товоқларни, мева ва сабзавотларни ювиш учун ишлатганда, чўмилаётган вақтда сувни ютиб юборганда бу касаллик билан оғрийди. Хасталик кўпинча аста-секин бошланади. Ҳарорат бир ҳафта ичида 39—40 даражагача кўтарилади ва у узоқ вақтгача сақланади. Бош оғриғи, лоҳаслик, умумий дармонсизлик, аъзоибаданнинг қақшаб оғриши, уйқунинг бузилиши, титрабқақшаш аломатлари вужудга келади. У авж олганда терига тошма тошади. Беморнинг ранги оқариб, лаблари ёрилади. Қоринда шиш пайдо бўлади.

Касалликнинг илк аломатлари пайдо бўлиши билан дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. Ич терлама ва бошқа ичак инфекциялари юқмаслиги учун овқатланишдан олдин қўлни албатта совунлаб ювиш, сабзавот ва ҳўл меваларни ейишдан бурун водопровод сувида яхшилаб чайиш зарур. Ахлат ва чиқиндиларнинг тўпланиб қолишига, касалликларни ташувчи пашшанинг кўпайишига йўл қўймаслик айниқса катта аҳамиятга эга. Болаларнинг ариқ, анҳор ва сув ҳавзаларида чўмилмаганлари маъқул.

Озиқ-овқат тайёрлаш корхоналари, боғча-ясли ходимлари ўз вақтида медицина назоратидан ўтиб туришлари, санитария-гигиена қоидаларига пухта амал қилишлари талаб этилади.

Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олиш осон. Шахсий гигиена қоидаларига пухта амал қилган кишилар ҳеч қачон ўткир юқумли меъда-ичак касалликларига, умуман, юқумли касалликларга учрамайдилар.

**С. МУҲИТДИНОВА,**
**область санитария-маорифи уйининг врач-методисти.**

## ЁШ ИНСПЕКТОРЛАР СЛЁТИ

ОЛМАЛИҚ шаҳрида икки кун давомида кўча ҳаракати ёш автоинспекторларининг область слёти бўлиб ўтди. Слёт ўзига хос конкурс-мусобақа шаклида ташкил этилиб, кўча ҳаракати қоидаларининг билимдонлари, ёш регулировкачи, ёш пропагандист, йўл белгилари, светофор сигналлари, автомобиль маркалари каби босқичлар бўйича ўтказилди.

Иккинчи куни сафда айтиладиган қўшиқлар, агитбригадалар кўриклари бўлиб ўтди.

Умумий ҳисобда Бекобод райони ёш инспекторлари биринчи, Чирчиқдаги 6-ўрта мактаб ўқувчи-инспекторлари иккинчи ва Чиноз районидаги 5-мактаб ёш инспекторлари учинчи ўринни олдилар.

**О. УМАРОВ,**
**милиция катта лейтенанти.**

# СПОРТ

### ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

**Бугун СССР терма командаси Копенгагенда Дания футболчилари билан жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинини ўтказади. Европанинг VI группасида Швейцария командасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Ирландия командаси беш очко билан пешқадам бўлиб олди.**

**Совет футболчилари учун бу учрашув ниҳоятда аҳамиятлидир. Агар командамиз ғалаба қозонса, финалда қатнашиш ҳуқуқини берадиган иккита йўлланмага бўлган даъвогарлиги ортади. СССР терма командаси қолган уч учрашувни ўз майдонида ўтказади. 25 сентябрда Дания командасини, 16 октябрда Ирландия футболчиларини ва 30 октябрда Норвегия командасини қабул қилади.**

**Футбол мухлислари СССР-Дания командалари учрашувини Марказий телевидение программаси орқали маҳаллий вақт билан соат 22 дан беш минут ўтганда томоша қилишлари мумкин.**

**VI группада қатнашаётган командаларнинг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:**

| Командалар | Ў | Т | О |
|---|---|---|---|
| Ирландия | 5 | 4—4 | 5 |
| Швейцария | 5 | 4—9 | 5 |
| СССР | 4 | 7—4 | 4 |
| Дания | 3 | 4—1 | 4 |
| Норвегия | 5 | 2—3 | 4 |

* * *

**Мамлакат чемпионати биринчи лигаси командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. «Пахтакор» Жиззахнинг «Звезда» командасини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Тўпларни пахтакорчилардан Г. Денисов (2 та), И. Шквирин ва А. Зейтуллаевлар, «Звезда» командасидан З. Селимов киритди. Бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: СКА (Хабаровск) — «Кузбасс» — 2:0, «Искра» — ЦСКА — 0:0, «Ротор» — «Крилья Советов» — 2:2, «Шинник» — «Локомотив» — 2:0. «Шинник» 18 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Хабаровск армиячиларида 17 та, «Помир»да 16 та, ЦСКАда 15 та, «Пахтакор», «Ротор» ва «Крилья Советов» командаларида 13 тадан очко бор.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## КЕЛАЖАК ВАЗИФАЛАРИ

ГАВАНА. (ТАСС). Бу ерда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик доимий комиссиясининг 48-мажлиси бўлди. Мажлисда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Куба, Польша, Румыния, СССР, ЧССР ва Югославия делегациялари, шунингдек халқаро «Интератоминструмент» ва «Интератомэнерго» бирлашмаларининг вакиллари қатнашдилар.

Мажлис комиссиянинг 1984 йилги ишини маъқуллади, келажак вазифаларини кўриб чиқди. Жумладан, ҳамкорлик самарадорлигини ҳамда унинг изотоп ва радиация техникасини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва халқ хўжалигида қўлланиш натижаларини янада ошириш соҳасидаги режалари белгиланди.

Мажлисда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 1986—1990 йилларда атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш борасидаги илмий-техникавий ҳамкорлиги плани маъқулланди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги ва бу ғалабага эришишга Совет Иттифоқи ҳал қилувчи ҳисса қўшганлиги зўр тарихий аҳамиятга молик эканини мажлис қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Бу ғалаба, дейишди улар, жаҳон социалистик ҳамдўстлиги барпо этилишига асос солди, бу ҳамдўстлик эса ҳозир дунёда энг нуфузли кучга айланди.

### КВАМЕ НКРУМА ХОТИРАСИ

АККРА. Гананинг биринчи президенти Кваме Нкруманинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган миллий илмий симпозиум Легон шаҳридаги давлат университетида ўтмоқда.

Африка институтининг бу ерда эълон қилинган баёнотида айтиладики, учрашув қатнашчилари Кваме Нкруманинг назарий меросини, унинг ҳозирги Ганани муваффақиятли социал ва иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамиятини таҳлил этадилар. Илмий анжуман Африка институтининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

(ТАСС).

## МАЙДА МИЛЛАТЛАРГА ЖАБР-ЗУЛМ ҚИЛМОҚДАЛАР

САН-ФРАНЦИСКО. Америка маъмурлари Қўшма Штатлардаги майда миллатларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қўпол равишда поймол этмоқдалар. Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида испан тилида сўзлашувчи америкаликлар «Нэшнл имэж» миллий ташкилотининг раиси Анабелла Харамилло хоним шу гапларни айтди.

Испан тилида сўзлашувчи АҚШ граждaнлари ўртасидаги ишсизлик даражаси мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан деярли икки баравар ортиқ бўлиб, ҳозирги вақтда 18,5 процентга етди. Бу — Рейган маъмурияти ўтказаётган камситувлик ва очиқдан-очиқ ирқчилик сиёсатининг бевосита оқибатидир, деб таъкидлади А. Харамилло хоним.

Унинг айтишича, АҚШ қишлоқ хўжалигида банд бўлган Лотин Америкасидан келган кишиларнинг аҳволи айниқса оғир. Улар Қўшма Штатларда ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум этилган бўлиб, ҳар қандай иш шароитига кўнишга мажбурдирлар, улар қаттиқ эксплуатацияга дучор қилинмоқдалар. Арзимаган ҳақ учун жуда оғир меҳнат қилиш ёки ишсизлик ва қашшоқликка дучор бўлиш уларнинг қисматидир.

(ТАСС).

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлиси бўлди. БАХТАР агентлигининг хабар қилишича, мажлисда АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион кенгаши Раиси Б. Кармалнинг фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Совет Иттифоқига қилган сафари якунлари муҳокама этилиб, якдиллик билан маъқулланди. Б. Кармал мажлисда сўзлаган нутқида совет халқининг уруш йилларида кўрсатган мардлиги ва матонатини таъкидлаб, СССРнинг ғалабасини буюк ва унутилмас ғалаба, деб таърифлади.

◆ ЛИМА. Миллий сайлов трибунали — шу йил 14 апрелда Перуда бўлиб ўтган умумий сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш олий органи халқ партияси — АПРА Бош секретари Алан Гарсиа Пересни мамлакатнинг янги президенти деб муддатдан илгари эълон қилди.

Маълумки, 14 апрелда бўлиб ўтган овоз беришнинг биринчи даврасида президент лавозимига овозга қўйилган номзодлардан биронтаси ҳам конституцияга мувофиқ талаб қилинган овозларнинг 50 проценти ва яна бир овозни тўплай олмади. Бироқ, АПРАдан номзод — Алан Гарсиа Перес энг кўп овоз олди. Тўплаган овозлар сони жиҳатидан ундан кейинги номзод — сўл кучлар бирлиги коалициясининг номзоди Альфонсо Баррантес овозга қўйишнинг иккинчи даврасида қатнашишдан воз кечганлиги сабабли овозга қўйишни ўтказиш ортиқча, деб топилди.

◆ ЛУАНДА. Ангола халқ озодлик қуролли кучлари (ФАПЛА) АҚШ МРБ ва ирқчи ЖАР боқимида бўлган УНИТА қўғирчоқ гуруҳи шайкаларини тор-мор қилиш юзасидан олиб бораётган муваффақиятли операцияларини давом эттирмоқдалар. Ангола миллий радиосининг хабар қилишича, шу йилнинг беш ойи мобайнида Уамбо ва Бие вилоятларидагина 400 дан кўпроқ газанда яксон қилинган. Жанубий Африкада ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган кўп миқдорда қурол-яроғ, ўқ-дори ва ҳарбий аслаҳа-анжом ўлжа олинган. Халқ мудофааси ташкилотининг ва халқ ҳушёрлиги бригадаларининг жангчилари ҳам террорчиларни тор-мор қилишда актив қатнашганлар.

Бу йил, деб таъкидлайди радио, УНИТАни йўқ қилиб ташлашда ҳал қилувчи йил бўлиши лозим. Ана шу бир тўда сотқинларнинг келажаги йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Улар қуролларини ихтиёрий равишда ташлаб, Ангола маъмурларига таслим бўлишлари лозим.

**ТАСС.**

## ЯНА АГРЕССИЯ ҲАРАКАТИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливан жанубида яна агрессия ҳаракати қилдилар. 3 июнь куни босқинчиларнинг механизациялашган колонналари озод этилган районларга бостириб кириб, Срифа ва Маждал-Силм аҳоли пунктларини қуршаб олдилар.

Исроилнинг иғвогарликлари тўхтовсиз давом этаётган шароитда Ливан ватанпарварлари мамлакат жанубида ўрнашиб олган босқинчиларга кетма-кет зарба урмоқдалар. Ливан қаршилик ватанпарвар фронтининг маълумотномасида айтилишича, бир группа партизанлар Хасбайя яқинида Исроил позицияларига ҳужум қилдилар. Ватанпарварлар Бинт-Жбейл яқинидаги Айнат қишлоғи ёнида маҳаллий сотқинлар орасидан Тель-Авив тузган «миллий гвардия» деб аталган хиёнаткорларнинг постига ҳужум қилдилар. Босқинчилар ва уларнинг гумашталари аскарларига ва техникасига талафот етказилди.

Ливан пойтахтидаги вазият яна чигаллашди. Шиаларнинг «Амал» ҳаракати ва Ливан армияси 6-пиёдалар бригадасининг артиллерияси фаластинлик қочоқларнинг Бурж Ал-Баражна лагерини тўпга тутди. Бунга жавобан фаластинликлар «Амал» отрядларининг позицияларини ракета-тўплардан ўққа тутдилар. Шатила лагерида ҳам ўқтин-ўқтин отишма чиқиб турибди. Фаластинлик қочоқларнинг Ливан турли районларида жойлашган лагерларидаги аҳвол кескинлашганлиги қайд этилмоқда.

### ҒАРБИЙ ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ САФАР

ПЕКИН. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар қилишича, ХХР Давлат Кенгашининг Бош министри Чжао Цзиян Ғарбий Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилиш учун жўнаб кетди. У Буюк Британияга, ГФР ва Нидерландияга расмий визит қилади.

**Редактор ўринбосари**
**Р. УМАРОВ.**


# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ
7—8 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

## «ҒАЛАБА БАҲОРИ»

## ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

**Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Фаррух ЗОКИРОВ.**
**Бутуниттифоқ конкурси лауреати**

«САДО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ ГРУППАСИ.
**Бадиий раҳбар — Владимир БАРАМИКОВ.**
**Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг**

ЭСТРАДА ВА СИМФОНИК МУЗИКА ОРКЕСТРИ.
**Дирижёрлар — Дони ИЛЕСОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Евгений ЖИВАЕВ.**

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:**
Раъно ШАРИПОВА, Шахбоз НИЗОМИДДИНОВ.
**Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари**
Наталья НУРМУҲАМЕДОВА ва Мансур ТОШМАТОВ.
**Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари:**
Надежда ЧУРАДАЕВА ва Павел БОРИСОВ.
Солистлар: Ҳуррият ИСРОИЛОВА ва Ирина ПРАВОСУДОВА.

**Программани Литва ССР давлат мукофотининг лауреати Владимир ЛАПИН, Бутуниттифоқ конкурси лауреати Рифат ИСМАГИЛОВ ва Людмила БЕССАРАБОВАлар олиб борадилар.**
**Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14 дан 19.00 гача сотилмоқда.**

## «ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

9 ИЮНГАЧА

## «МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»

Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИ
КИЕВ БАДИИЙ-СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ

## ГАСТРОЛЛАРИ

**«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.**
**ТОМОШАЛАРДА халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликларининг совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.**

**Бадиий раҳбар ва бош балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Фёдор ФЕДОТОВ.**
**Саҳналаштирувчи балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Елена ГОДНИЧАК.**

**ТОМОШАЛАР: 8, 9 июнь соат 17.00 ва 20.00 да; 5, 6, 7 июнь соат 17.00 ва 20.00 да бошланади.**

**Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.**
**Кассалар ҳар куни соат 12.00 дан 20.00 гача ишлайди.**
**Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.**

**Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.**

## ТОК РЕГУЛЯТОРЛАРИ

**КВАРТИРАНГИЗНИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ЁРИТИШГА...**
**ЭЛЕКТР ЛАМПАЛАРИ ХИЗМАТ МУДДАТИНИНГ УЗАЙИШИГА...**
**ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ!**



РС-1-2 ТОК РЕГУЛЯТОРИ осма электр ёритгичларнинг ёрқинлигини аста-секин регулировка қилади. Электр лампаларини ёқиш, ўчириш ва ёрқинлик даражасини регулировка қилиш сенсор майдончасига енгилгина қўл тегизиш билан амалга оширилади.
РС-1 ТОК РЕГУЛЯТОРИ сенсорли бошқарилиш билан қандиллар, торшерлар ва бошқа ёритгичларнинг электр лампалари ёрқинлигини регулировка қилади.
РТ-4 ТОК РЕГУЛЯТОРИ булардан ташқари электр дазмоллар, плиталар, каминлар, паяльникларнинг лозим даражада интенсив қизишини таъминлайди ва фото ва кинолампаларининг ёрқинлигини регулировка қилади.
Ток регулятори электр тармоқ симларини ортиқча ўзгартирмай осонликча ўрнатилади.
**Тайёрловчи — Запорожье «ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмаси.**
**РС-1 ва РС-1-2 регуляторининг баҳоси — 10 сўм.**
**РТ-4 регуляторининг баҳоси — 15 сўм.**
Ток регуляторларини давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг ихтисослашган магазинларидан харид қилиш мумкин.
**ИНФОРМЭЛЕКТРО.**
**ГЛАВКООПИНФОРМРЕКЛАМА.**



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32





Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 05860. А. 1716. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12